

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 5 август, № 152 (5319) Жума


# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

*Қани, айтинг-чи, инсон учун бу дунёда энг зарур нарсалар нима? Чамаси, энг аввало, муносиб оила, ўзи хушлаган касб ва кўнгил хотиржамлиги. Буларнинг бир-бирига уйғунлашиб кетмоғи учун эса яна бир нарса — Қўрғон керак. Бир қўрғонки, унинг паноҳида рўзғоринг дахлсиз, дастурхонинг тўкин, фарзанду невараларинг соғ-бахтиёр бўлса. Иш жойингда қадр-қимматинг, ўрнинг, меҳнатингга яраша мавқеинг сезилиб турса. Унинг сарҳадлари узра қулоч ёйиб, эркин нафас олиб яшасанг. Беадад шукрлар бўлсинки, менинг ана шундай қўрғоним бор. Бу — озод Ватаним — Ўзбекистоним!*

## ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

**Дил сўзи**

Айтгандай, хўш, отаси аравакаш, онаси чопиқчи бўлиб ўсган оддий бир ишчининг ҳаётида Мустақиллик қандай намоён бўлаяпти, деб сўрарсиз. Шу тарихий воқеа юз берганида мен ўттиз беш ёшда, тўрт фарзандли каттакон оиланинг бошлиғи эдим. Оқу қорани таниб, ҳаётда содир бўлаётган воқеаларни идрок қилардим.

Президентимиз мамлакатимиз мустақиллигини эълон қилган куни гўёки чала уйқудан уйғонгандай бўлдим. Юрагимда фахр, ғурур жўш урди. Жамоам мисолида айтадиган бўлсам, ҳаммамиз Ватан саодати учун бир тану жон бўлиб жипслашдик. Қўлни қўлга бериб ишладик. Давлатимиз раҳбарининг азалий қадриятларимизга, одамларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ҳеч кимдан кам бўлмай яшашлари учун хизмат қиладиган сиёсати бизга қувват бағишлади. Йўлларимизни ёритди.

Бунёдкорлик йўлида давлатимиз раҳбари бошчилигида астойдил меҳнат қилганимиз ва шу боис фаровон ҳаёт кечираётганимизга амин бўлаяпмиз. "Бугун шахс сифатида, фуқаро сифатида, инсон сифатида ўзинг ҳам мустақилсан. Мустақил бўлиб шунга ярашиқли нима иш қилмоқчисан?" деган мулоҳаза ҳар бир кишининг кўнглидан кечади. Шу тариқа Мустақиллик бизни, аввало, руҳан, маънан чиниқтира борди.

Истиқлол менинг ҳаётимда ҳам бурилиш нуқтаси бўлди. Ўз устимда ишладим. Касбимга, кундалик ишларимга ва умуман, ҳаётга муносабатим янгиланди. Ҳамкасбларим — жамоадошларимга туғишгандек меҳрибон бўлдим: ҳар бир куним, ҳар бир ишим учун ўзимга ўзим ҳисоб беришга ўргандим. Зиммамга юклатилган вазифаларни ошиғи билан бажаришни озод Ватаним ва она-халқим олдидаги фарзандлик бурчим, деб билдим.

(Давоми 2-бетда).

**Бизнинг ёшлар — Истиқлолимиз эъзозу эҳтиромидан, Президентимизнинг беқиёс ғамхўрлиги ва нурли умиди тафтидан баҳраманд бўлиб улғаймоқдалар.**

**«Бунёдкор — 2011»**



## ТАЛАБА-ЁШЛАР ШИЖОАТИ

Албатта, улардаги салоҳият, етуклик, мардлик ва олижаноблик хислатлари барчамизга ғурур бағишлайди. Чунки ёшлар эртанги кунимиз, келажагимизнинг ёрқин манзилларини забт этадиган қудратли ишончимиздир. Шундай экан, навқирон авлоднинг яратувчанлик руҳияти, шахдам, дадил қадам ташлаши жуда ҳам қувончлидир. Ана шундай дадиллик, шижоат, айниқса, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган "Бунёдкор" талаба-ёшлар меҳнат ҳаракати фаолиятида яққол кўзга ташланаётир.

Бугун бу ҳаракат бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёзган. Жумладан, Тошкент вилоятида "Бунёдкор" ёшлар меҳнат ҳаракати аъзолари завқу шавқ, кўтаринки кайфият билан турли қурилишларда фаолият юритмоқдалар. Хусусан, Тошкент давлат аграр университети талабаларининг бир гуруҳи ўзлари таълим олаётган даргоҳни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда иштирок этаётган бўлсалар, Тошкент вилояти давлат педагогика институти бунёдкорлари эса ўқув юртининг спорт мажмуасини тўлиқ таъмирлашда кўмаклашиб, учта ўқув биносидаги қурилиш-таъмирлаш ишларида ҳам бор куч-ғайратларини сарфламоқдалар.

Сўлим Бўстонлиқ туманида меҳнат қилаётган талаба-ёшлар ҳақида ҳам ана шундай илиқ сўзларни айтиш лозим. Навоий тоғ-кон металлургия институтининг Олмалиқ филиали талабаларидан иборат салкам юз кишилик бунёдкор жамоа Сойлиқ қишлоғида намунавий лойиҳа асосида барпо этилаётган уй-жойлар қурилишига жалб қилинган. Эътиборлиси, мазкур қурилишда "Уста — шогирд" анъаналари изчил йўлга қўйилган. Алишер Аҳмедов, Ҳикмат Мўминов каби моҳир усталар иморатсозлик сирларини талабаларга астойдил ўргатаётганликлари, ёшлар эса яна бир ҳунарга эга бўлаётганлари диққатга сазовор. Умуман, ҳозиргача 15 та турар-жойда қурилиш ишлари якунланиш арафасида. Бунёдкор ёшлар мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги байрамига қадар жами 30 та турар-жойни қуриб беришда фаол иштирок этишни мақсад қилганлар.

(Давоми 2-бетда).

*Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январда қабул қилинган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги фармойишига биноан, Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.*

## КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида" ва "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари муҳокама қилинди.

Ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари бўйича жамоатчилик муҳокамаларининг бориши, бу борада масъул давлат органларининг расмий веб-сайтлари орқали амалга оширилаётган тадбирлар савияси, давра суҳбатлари, семинарлар ва конференциялар самарадорлиги, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнининг оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиши таҳлил қилинди ҳамда жамоатчилик муҳокамаларини янада кенгайтириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

(Давоми 2-бетда).

## КРЕДИТ АХБОРОТИ АЛМАШИНУВИ

### эркин бозор муносабатларини янада ривожлантириш омилидир

***Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида юртимизнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий тараққиётини янги босқичга олиб чиқувчи бир қатор ғоя ва таклифлар илгари сурилганди.***

**КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар**

Маълумки, Концепцияда эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилиш зарурлигига урғу берилганди. "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам шулар жумласидан бўлиб, у иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллиги, молия-банк тизимини такомиллаштириш, унда хусусий капиталнинг иштирокини кенгайтириш ва тизим инфратузилмасини янада ривожлантиришни назарда тутади.

Табиийки, кредит ташкилотлари томонидан кичик бизнес вакиллари, фермерлар ва аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган микрокредит хизматлари кичик бизнес субъектларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши ўсиши ва бандлик даражаси ҳамда аҳоли реал даромадлари ошишининг асосий иқтисодий омилларидан бири ҳисобланади. Кредит ахборотлари билан самарали алмашинув эса бу борадаги имкониятларни янада кенгайтиради. Зеро, шу асосда кичик бизнесни кредитлаш кўпаяди ҳамда кредитларнинг қайтмаслиги каби салбий ҳолатлар самарали бартараф этилади.

Бугунги кунда тижорат банклари ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан тақдим этилаётган кредит хизматлари кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Шунга монанд равишда ундан фойдаланувчилар доираси ҳам кун сайин ошаяпти. Мазкур жараёнда банклар ва бошқа кредит ташкилотлари юзага келиши эҳтимоли бўлган хатарларнинг олдини олишга хизмат қилувчи ахборотга, яъни мижоз фаолияти — унинг кредит тарихи, бошқа банклардан қарзи бор-йўқлиги ёки мазкур қарзлар бўйича ўз мажбуриятларини қай даражада бажарганлиги, учинчи шахсларнинг кафолати, корхона бошқарувчиларининг малакаси, уларнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолияти тўғрисида тўлиқ ҳамда ишончли ахборотга эга бўлишдан манфаатдорлар. Бундай ахборотни олиш ва таҳлил қилиш учун кўп вақт сарфланади. Мижоз эса қисқа муддатда маблағ олишни истайди. Шунинг учун ҳам бу борада қатор қулайликларга эга замонавий кредит ахбороти алмашиш тизимини яратишга эҳтиёж сезилди.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда кредит ахбороти алмашинуви тизими яратилган. Бу соҳадаги муносабатлар Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги "Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида тартибга солиб келинмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

• **"Боёвут транс қурилиш савдо" масъулияти чекланган жамияти жамоаси банкдан олган 199,5 миллион сўмлик кредити эвазига аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни ташкил қилди. Эътиборлиси, йўловчиларга хизмат кўрсатувчи енгил автомобилларга терминаллар ҳам ўрнатилган. Бу эса йўловчиларга тўловларни амалга оширишда қулайлик туғдирмоқда.**

• "Меҳригиё" меҳрмурувват жамғармаси ташаббуси билан Бухоро, Пешку ва Ғиждувон туманларида яшовчи кам таъминланган оилаларнинг 28 нафар фарзандининг хатна тўйи ўтказилди. Ушбу хайрли иш учун "Ғиждувон" наслчилик ширкат хўжалиги ва "Ғарбгазтаъминот" корхонаси ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

• **Андижон шаҳрилик Абдумалик Мадраҳимов саъй-ҳаракати билан миллий чолғу асбоблари тайёрлашга ихтисослаштирилган корхона фаолият кўрсата бошлади. Ҳозир 30 нафар шогирдини ёнига олган тадбиркор дастлабки 70 миллион сўмлик дутор, рубоб, чанг, уд, доира, карнай, сурнай каби 24 турдаги чолғу асбобларини тайёрлади.**

• "Бахмал сув фаунаси" хусусий корхонаси жамоаси лойиҳа қиймати 100 миллион сўмга тенг сунъий кўлда балиқ етиштиришни йўлга қўйди. Натижада бу ерда бир мавсумда 12 тонна балиқ овлаш имконияти юзага келди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## БАРКАМОЛ АВЛОД САЛОҲИЯТИ

### ўсмирларимизнинг халқаро мусобақаларда эришаётган ғалабаларида яққол намоён бўлмоқда

*Сирдарё замини ўзининг боғу роғлари, ширин-шакар мевалари билан машҳур. Айниқса, тилими тилни ёрадиган Мирзачўл қовунларининг довруғи етти иқлимга кетган, десак, муболаға бўлмайди.*

*Қолаверса, бу диёрнинг асрлар давомида қақраб ётган Мирзачўл ерларини ўзлаштириб, уни обод этишда хизмат кўрсатган заҳматкаш одамлари ҳар қанча ҳурмату иззатга лойиқ...*

**Ғурур**

Истиқлол шарофати туфайли бу замин яна бир жиҳати билан тилга тушди. Бошқача айтганда, бу ерда вояга етаётган баркамол авлод вакиллари мустақиллик йилларида спорт соҳасида оламшумул натижаларга эришиб, юрт довруғига довруқ қўшишмоқда. Хусусан, бир қатор халқаро турнирларда юрт шанини юксакларга кўтарган боксчи Тўлашбек Дониёров, велопойгачи Қаҳрамон Мўминов, кикбоксингчилар Жаҳонгир Кўчмуродов, Жонибек Юсупов, армрестлинг бўйича кўп карра жаҳон чемпиони Умиджон Аҳмедов, сузувчи Анастасия Королёва, курашчи Баҳри Орзуев, футболчи Илҳом Суюнов, шахматчи Сарвиноз Қурбонбоевани бугун нафақат юртимизда, балки жаҳонда ҳам яхши билишади. Эътиборли жиҳати, кейинги йилларда бундай истеъдодлар сафи умидли ёшлар билан тўлиб бормоқда. Бунга яқиндагина Мексика яшил майдонларида футбол бўйича 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида сирдарёлик беш нафар ёш футболчи Ўзбекистон терма жамоаси сафида мамлакат шарафини ҳимоя қилгани ҳам ёрқин далил бўлади.

(Давоми 2-бетда).



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## Ўзбек деҳқончилигининг шуҳрати

Мамлакатимизда **2011** йилнинг биринчи ярим йиллигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми **6,7 фоиз ўсди.**

**Бир рақам шарҳи**

*Сир эмас, кейинги йилларда жаҳоннинг айрим мамлакатларида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги пасайиб, ҳатто муҳим озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжни таъминлашда ҳам турли муаммолар юзага келмоқда. Уларнинг нархи тобора ошиб бораётгани эса вазиятни янада чигаллаштираётир. Соҳа мутахассислари бунга асосий сабаб сифатида иқлим ўзгариши оқибатида сурункасига кузатилаётган қурғоқчилик, турли табиий офатлар рўй бериши, экинларнинг касаллик ва зараркунандалар билан зарарланиши каби ҳолатларни кўрсатишмоқда. Қувонарлиси, юртимизда табиат инжиқликларига қарамай, қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олинаяпти. Жорий йилда республикамиз ғаллакорлари 6 миллион 800 минг тонна сара дон етиштиргани бунинг яққол далилидир.*

*Президентимиз ташаббуси билан истиқлол йилларида фермерлик ҳаракати ривожлантирилаётгани туфайли тармоқ самарадорлиги муттасил ортиб бораяпти. Сабаби, ер майдонлари асл деҳқонларга топширилгач, улар соҳага илм-фаннинг илғор ютуқлари, инновацион технологияларни изчил татбиқ этиб, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишаяпти. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз аҳолисини йил давомида мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари, гўшт-сут ҳамда тухум каби муҳим ҳаётий маҳсулотлар билан кафолатли ва барқарор нархларда таъминлаш, экспорт ҳажмини ошириш имконини бераётир. Буларнинг бари ўзбек деҳқончилигининг шуҳратини оламга ёймоқда.*

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу ҳужжатга мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахбороти миллий институти ҳамда Ўзбекистон Банклари уюшмаси ҳузуридаги Банклараро кредит бюроси республикамизда кредит ахбороти алмашинуви тизими шаклланишида муҳим аҳамият касб этди.

Бошқача айтганда, шу асосда тижорат банклари ва суғурта ташкилотлари қатнашиши айни муддаодир.

Таъкидлаш лозимки, кредит ахбороти алмашиш тизими жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг аввал олинган кредитлари ва бошқа қарз мажбуриятлари бўйича кафолатларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлардан ташкил топган кредит тарихини шакллантиради. Кредит тарихи эса тизимни фаолиятга келтирувчи асосий қонун билан муҳофазаланадиган маълумотлар) айланишининг зарур тарзда муҳофаза этилишини таъминлаш ҳамда кредит ахбороти алмашинуви фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солишдир. Ушбу вазифа Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилиши белгиланмоқда.

Шунингдек, унда кредит ахбороти алмашинувига дав-

# КРЕДИТ АХБОРОТИ АЛМАШИНУВИ

## эркин бозор муносабатларини янада ривожлантириш омилидир

улардан қарз олувчиларнинг кредит операциялари, қарз олувчиларнинг мажбуриятларини таъминлаш турлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш механизмига асос солинди, тегишли маълумотлар базаси шакллантирилди. Қолаверса, кредит сиёсатидаги ўзгаришларни ва тижорат банкларининг кредит портфели ҳолатини таҳлил этиш мақсадида кредит ахборотининг ягона реестрини юритиш, шартнома асосида тижорат банкларига, кредит бюроларига кредит ахбороти бериш имконияти яратилди. Бу эса кредитор ва қарздор ўртасидаги ахборот бўшлиғини тўлдирган ҳолда, аҳоли ва кичик бизнесни кредитлаш ҳажмини оширишга кўмаклашувчи восита бўлиб хизмат қилди.

Ўз навбатида, иқтисодиётимиз ривожланишининг ҳозирги босқичи кредит ахбороти алмашинуви тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Хусусан, бугунги кунда кредит ахбороти алмашинуви жараёнига банклар билан бирга, бошқа кредит ташкилотлари ва хўжалик юритувчи субъектларни жалб этиш давр талабидир. Яъни мазкур муносабатларда микрокредит ташкилотлари, кредит уюшмалари, ломбардлар, лизинг манба ҳисобланади. Бу қарз олувчи мажбуриятлари ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, қарз олувчига молиялаш тақдим қилиниши хатарини баҳолаш учун таъсир этадиган (банкротлик, суд қарорлари, муассислар таркиби) маълумотлардир. Демак, кредит тарихи қарз олувчининг тўлов интизомини аниқлашга ёрдам беради. Яъни қарз олувчи ўз зиммасидаги тўлов мажбуриятларини нечоғли тўлиқ, ўз вақтида ва мунтазам бажариши аниқланади. Шу тариқа кредит тарихи қарз олувчининг ўзига хос рейтингини белгилайдиган мезон бўлиб хизмат қилади. Содда қилиб айтганда, ижобий кредит тарихига эга қарз олувчи анча енгил шартлар асосида (қарзни таъминлашга талаблар пастлиги, сумманинг кўп ва молиялаш муддатининг узоқ бўлиши) осонлик билан қарз олиши мумкин.

Яна бир муҳим томони, мазкур қонунда кредит ахбороти алмашинуви фаолиятини лицензиялаш кўзда тутилмоқда. Бунинг асосий сабаби кредит ахбороти алмашинуви муносабатларида, асосан, қонун билан қўриқланадиган маълумотлар (банк сирига оид, бошқа лат идораларининг ҳам жалб этилиши кўзда тутилган. Ушбу идоралар томонидан керакли ахборотларнинг кредит бюролари сўровларига мувофиқ доимий тарзда тақдим этиб борилиши тўлиқ кредит тарихи шаклланишига хизмат қилади. Бу билан мазкур тизимда кредит ахбороти сифатини янада ошириш ҳамда ушбу муносабатларда қатнашувчи субъектлар доирасини кенгайтиришга эришилади. Шу билан бирга, ишончли ва тезкор кредит ахбороти кредит беришда хизмат кўрсатиш сифатини ошириб, банк таваккалчиликларини камайтиради. Бу банклар ва қарз олувчиларнинг молиявий-кредит интизомини мустаҳкамлайди.

Мухтасар қилиб айтганда, "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда кредит тарихи институтини халқаро стандартларга мувофиқ ривожлантириб, интизомли қарздорларга ўз кредит тарихларидан таъминот сифатида фойдаланишлари учун имконият яратади.

**Қ. ТОШМАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Концепциянинг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш мақсадида ташкил этилган 28 та илмий-амалий конференция, семинар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларнинг якунлари кўриб чиқилди ҳамда йил охиригача яна бир қатор шундай тадбирларни ўтказиш режалаштирилди.

Йиғилишда "2011 — 2015 йилларда босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг иқтисодий мустақиллиги, молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича истиқболли лойиҳалар ва дастурларни қўллаб-қувватлаш" ҳамда "Журналист кадрларнинг ҳуқуқий, сиёсий маданиятини ошириш, фуқаролик жамиятини барпо этишда уларнинг иштирокини кенгайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар" муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг сентябрь ойида мамлакатимизда "Оммавий ахборот воситалари Миллий форуми" ва "Ўзбекистон матбуоти" Миллий кўргазмаси"ни юқори даражада ўтказиш бўйича дастурни ишлаб чиқиш ҳамда ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан тегишли идораларга кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари ва бошқа тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида қўйилган вазифалар даражасида янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди, тегишли қарор қабул қилинди.

**(ЎзА).**

# ТАЛАБА-ЁШЛАР ШИЖОАТИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ёзги таътилни фойдали юмуш билан ўтказишнинг гашти ўзгача, — дейди Навоий тоғ-кон металлургия институти Олмалиқ филиалининг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти раҳбари Муҳриддин Ҳамзаев. — Бу ерда ёшларнинг фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, вақтида дам олишлари, маънавий ҳордиқ чиқаришлари учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилган. Талабалар "Энг яхши меҳнат гуруҳи", "Меҳнат гуруҳининг энг фаол аъзоси" танловлари, "Камолот"да менинг ўрним", "Биз "Камолот" билан" деб номланган викториналарда билим ва салоҳиятларини синовдан ўтказишмоқда.

— Ушбу тадбирларда иштирок этиб, оз бўлса-да, жамиятга фойдам тегаётганидан хурсандман, — дейди Навоий тоғ-кон металлургия институтининг Олмалиқ филиали талабаси Сирожиддин Эргашев. — Биз, ёшлар инсон учун юрт равнақига, ободлик, бунёдкорлик, яратувчилик каби эзгу юмушларга муносиб улуш қўшиш чинакам бахт эканини ҳис этмоқдамиз. Халқимизда меҳнат инсонни улуғлайди, деган пурмаъно ҳикмат бот-бот таъкидланиши бежиз эмас экан. Вақтимизни фойдали ишга сарф этиб, ўз ишининг устаси бўлган фидойи қурувчилар билан бир сафда тер тўкиб, бунга ишонч ҳосил қилаяпмиз.

Аслида, энг муҳими ҳам шу. Зеро, "Бунёдкор" талаба-ёшлар меҳнат ҳаракати — навқирон авлод вакилларини ҳаётга теран нигоҳ билан боқишга ундамоқда. Бинобарин, Ватан тақдирига тақдирдошлик, садоқат билан унга хизмат қилиш кўнгилни обод этади, уни чароғон айлайди, битмас-туганмас илҳом бағишлайди.

**О. ФАЙЗИЕВ,**
**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**
**Ҳ. ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугун мен ўз тақдиримдан хушнудман. Ахир мамлакатимизнинг энг йирик — "Навоий — Султон Увайстоғ — Нукус", "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўл қурилишларининг иштирокчисиман. Илгари етти ухлаб тушимизга кирмайдиган жойлардан — баланд тоғлардан, тубсиз даралардан ўтказиб темир йўллар қурдик. Элимизнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишдек шарафли ишларни уддаладик. Жасоратли меҳнатимизни жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда. Бизга ҳавасмандлар тобора кўпаймоқда. Эндиликда темир йўл қуриш бўйича корхонамизга хориж давлатларидан ҳам буюртмалар туша бошлади. Мустақиллик бизни жаҳонга танитди, ўз-ўзимизни таниб олишимизни таъминлади. Мустақиллик бизга бахт, беминнат ризқ-насиба, барқарор фаровонлик кафолатини берди.

Ана шу шонли байрамимизнинг 20 йиллигига қуруқ қўл билан келмаётганимдан, уни ёруғ юз ила кутиб олаётганимдан фахрланаман. Мустақиллик руҳини юракка жо айлаб, унинг янада равнақ топиши йўлида камарбаста эканлигимизни таъкидлаш менга завқ-шавқ бағишлайди.

**Юсуп ЗИЯЕВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг 166-йўл машина станцияси машинисти.**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Адлия вазири Н. Йўлдошев бошқарган йиғилишда адлия органлари ва муассасаларининг 2011 йил биринчи ярмида амалга оширган ишлари сарҳисоб қилиниб, устувор вазифалар белгилаб олинди.*

# ҚОНУНЧИЛИК ВА ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ

Сарҳисоб

Мажлисда таъкидланганидек, ҳисобот даврида жами 577 та қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. Айни чоғда вазирлик ташаббуси билан 38 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, тақдим этилган идоравий-норматив ҳуқуқий ҳужжатлардан 135 таси давлат рўйхатидан ўтказилди.

Адлия органларига фуқаролардан 2 мингга яқин, қолаверса, "Ишонч телефонлари" орқали 1 338 та мурожаат келиб тушиб, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

Ҳайъат мажлисида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторлар ҳамда чет эл сармоялари жалб қилинган корхоналарнинг қонуний манфаатларини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, назорат органлари томонидан 371 ҳолатда тадбиркорлик субъектларининг фаолияти рухсат олинмасдан, ноқонуний текширилганлиги, шунингдек, 1497 та ҳолатда текширишлар тартиби бузилганлиги аниқланиб, ушбу ҳолатларни бартараф этиш мақсадида жами 4 минг 372 та тақдимнома, 8 минг 638 та огоҳнома ва 1759 та кўрсатма киритилди. Натижада 4 минг 423 нафар айбдор шахс интизомий, 695 нафари маъмурий ва 21 нафари жиноий жавобгарликка тортилди. Бундан ташқари, 998 та ҳужжат ижроси тўхтатилди ёки бекор қилинди. Шу билан бирга, 271 нафар шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Йиғилишда, шунингдек, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти иш юритувидаги мавжуд ижро ҳужжатларидан аксариятининг ижроси таъминланганлиги таъкидланди. Бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан кўрсатма ва тавсиялар берилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳайъат мажлисида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятига ноқонуний аралашишларнинг олдини олиш бўйича кескин чоралар кўриш, суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижро этилишини сўзсиз таъминлаш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарор лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, қонун ҳужжатларини туркумлаш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш, жойлардаги нотариат, ФХДЁ идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш, фуқаролар мурожаатларининг тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш юзасидан адлия органларига юклатилган вазифаларни изчил бажаришга қаратилган кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Ҳайъат мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Адлия вазирлиги**
**Ахборот хизмати.**

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

## Замонавий шифо маскани

**СУРХОНДАРЁ. Бойсун туманининг Сайроб қишлоғида замонавий шифо маскани бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.**

Ушбу хайрли ишни амалга ошириш учун тадбиркор Ҳайитали Алламуродов томонидан 350 миллион сўм сарфланди. Ҳозир бу ерда сайробликларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароит яратилган.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Энг намунали маслаҳатчи

**ҚАРШИ шаҳрида "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Маҳалла" жамғармаси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу тадбирда туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 14 нафар маслаҳатчи ўзаро беллашди.

Барча шартлар бўйича фаол иштирок этган Қарши туманидаги "Равот" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Бўстоной Бекниёзова танловнинг мутлақ ғолиби, деб топилди. Косон туманидаги Наврўз маҳалласи маслаҳатчиси Тўлғаной Бобоқулова ҳамда Қарши шаҳридаги У. Юсупов номли маҳалла маслаҳатчиси Салима Абдураҳмоновага кейинги ўринлар насиб этди. Эндиликда мутлақ ғолиб танловнинг республика босқичида қатнашади.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Мафтункор ранглар олами»

***ЖИЗЗАХ шаҳридаги "Истиқлол" истироҳат боғида жисмоний имконияти чекланган болалар ўртасидаги анъанавий "Мафтункор ранглар олами" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий услубият маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, "Соғлом авлод учун" ва "Меҳр-шафқат" хайрия жамғармалари вилоят бўлимлари ҳамкорлигида уюштирилган мазкур танловда йигирма нафар болажон рассомчилик бўйича ўз иқтидорини синовдан ўтказдилар. Якунда ҳакамлар ҳайъати форишлик Ризвон Бозорбеков ишини биринчи ўринга муносиб топди. Иккинчи ўрин ғаллаороллик Ригина Бурҳоновага, учинчи ўрин эса Жиззах шаҳри вакили Қудрат Сувоновга насиб этди.

Ғолиблар танловнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қиладилар.

**М. КАРИМОВА.**

## Кончиларнинг байрам туҳфаси

***НАВОИЙ кон-металлургия комбинатининг 5-Кон бошқармаси жамоаси томонидан Қизилтепа туманида жойлашган 36-сонли ақли заиф болалар махсус интернатига 118 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.***

Бу маблағ мазкур даргоҳда тарбияланаётган болажонлар учун ёруғ, шинам, замонавий ва санитария талабларига жавоб берадиган ошхона биносини қуришга йўналтирилди.

Айни пайтда бу ерда "Бунёдкор-Замондош" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилаяпти. Ошхона биноси Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши кутилмоқда.

**С. ХОЛДОРОВА.**

# БАРКАМОЛ АВЛОД САЛОҲИЯТИ

## ўсмирларимизнинг халқаро мусобақаларда эришаётган ғалабаларида яққол намоён бўлмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қайд этиш керакки, она-Ватанимизда ёш авлодни маънан ва жисмонан баркамол шахс қилиб тарбиялашга қаратилаётган катта эътиборнинг самараси ўлароқ ана шундай натижаларга эришилаяпти. Чунки бугун спортни ривожлантириш, унинг оммавийлигини таъминлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга нафақат марказларда, балки энг чекка туманлар, қишлоқларда ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, спорт мажмуалари, футбол майдонлари, сузиш ҳавзалари барпо этилиб, ёшлар ихтиёрига берилаётир.

...Аббосбек Махсталиев, Сардор Раҳмонов, Асилжон Мансуров, Жавлон Мирабдуллаев ва Бобур Давлатов. Уларни бугун нафақат юртимиз, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида яхши танишади. Бу ёшларимизни ўз клублари таркибида кўришни хоҳловчи жамоалар сони тобора кўпаяётганидан яхши хабардорсиз. Чунки бу йигитлар юксак маҳорат соҳиблари эканлигини жаҳон чемпионатида намойиш этишди. Ўзбекистон ана шундай иқтидорлар юрти эканлиги дунё миқёсида яна бир бор исботланди.

Эътиборли жиҳати, ўсмирлар терма жамоаси таркибига жалб этилган беш нафар сирдарёлик футболчининг тўрттаси бир синфда таҳсил олишган, бирга тўп тепиб катта бўлишган.

Уларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришда эса Сирдарё вилояти халқ таълими тасарруфидаги футболга ихтисослаштирилган мактаб-интернат мураббийларининг ҳиссаси катта.

— Бугунги кунда мактаб-интернатда 230 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда, — дейди мактаб-интернат директори Омонбой Қўлдошев. — Уларнинг 30 нафари қиз болалардир. Ёш авлодга 21 нафар педагог мураббий, 14 нафар тарбиячи таълим бериб, спорт сирларини ўргатмоқдалар. Давлатимиз раҳбарининг футболни ривожлантириш соҳасидаги ғамхўрликлари туфайли 2008 йилда янги бинога эга бўлдик. Мактаб-интернатнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, ёш авлоднинг футбол сирларини мустаҳкам эгаллашлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Ҳозир мактаб ҳудудида жойлашган 2 та футбол майдони, 2 та минифутбол майдони, 2 та спорт зали ўқувчилар ихтиёрида.



Қаҳрамон ҚУННОЗОВ олган сурат.

Қилинган меҳнат, юксак даражадаги эътибор бесамар кетмайди, албатта. Мана, бугун ушбу мактаб ўқувчилари Асилбек Мансуров, Аббосбек Махсталиев, Сардор Раҳмонов, Бобур Давлатов ва Жавлон Мирабдуллаев ўсмирлар терма жамоаси таркибида жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Улар билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди. Бундан ташқари, 36 нафар собиқ ўқувчимиз "Пахтакор", "Бунёдкор", "Металлург", "Насаф", "Машъал", "Қизилқум", "Насаф-2", "Нефтчи", "Ғаллаорол", "Гулистон" ва "Янгиер" клублари сафида тўп суришмоқда. Шунингдек, мактабимиз Янгиер шаҳрида ўз спорт базасига эга бўлган олий лиганинг "Насаф" ва "Машъал" жамоалари билан доимий ҳамкорлик ўрнатган.

— Беш ҳамшаҳримиз жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашганидан бошимиз кўкка етди, — дейди футбол мухлиси Абдуғаффор Худойбердиев. — Ҳозир кўчада тўп тепаётган бола борки, мен ҳам Аббос, Жавлон, Бобур, Сардор, Асилбек акаларимдек футболчи бўламан, дейди.

— Мексикадаги ўйинларни бутун маҳалламиз билан томоша қилдик, — дейди Асилжоннинг отаси Ҳусан Мансуров. — Асилжон Янгиободнинг Чаканд қишлоғида туғилган. Янгиерга кўчиб келганимиздан кейин ўғлим Обиджонни футбол мактабига бергандик. Асил ҳам ҳар куни бориб акасининг машғулотларини кўриб қизиқиб қолди. Кейин уни ҳам футбол мактабига бердик. Мана, Асилжон ўзининг тиришқоқлиги, чаққон ҳаракатлари билан терма жамоа устозлари назарига тушди.

*— Уйимиз тўрида турган "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони ва ҳовлимиздаги "Спарк" машинасига кўзим тушиши билан кўксим фахрга, ғururга тўлиб кетади, — дейди Сардор Раҳмоновнинг отаси Ғафур Раҳмонов. — Ёшлар тарбиясига уларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлиб вояга етиши учун бу қадар катта эътибор қаратилаётган ана шундай юртда яшаётганимиз ҳам аслида бизнинг бахтимиз.*

— Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди, — дея суҳбатимизга қўшилади Сардорнинг онаси Дилбар Миршаева. — Қўшнимизникида сумалак қайнатаётган эдик. Биласиз, тадбирнинг қатнашчилари ушбу таомни бошида ният қилишади. Мен ҳам шундай қилдим. Шунда Сардор "Ойи, ўғлим машҳур футболчи бўлсин дедингизми?" деб сўраб қолди. "Ҳа", дедим. Яратганга беадад шукрки, Юртбошимизнинг ёшларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрликлари туфайли Сардор Ўзбекистон шарафини жаҳон чемпионатида ҳимоя қиладиган футболчи бўлиб етишди.

— Ўғлим Аббосбек туфайли бутун вилоятга "Аббоснинг отаси" сифатида танилиб қолдим, — дейди Муҳаммадали Жўраев. — Кўрган одам минг йиллик қадрдонидек бағрига босади, ўғлимни алқайди, ёшларимизни бошини силаган Юртбошимизни дуо қилади. Мустақиллик туфайли биз етолмаган орзуларга фарзандларимиз эришганидан чексиз фахр-ифтихор туямиз ўзимизда.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | УН олий нав 714,6 ▼ - 2,5 | УН биринчи нав 527,1 ▲ +13,2 | УН иккинчи нав 470,8 ▲ +4,3 | ПАХТА ЁҒИ 1690,3 ▼ - 25,3 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 218,7 ▼ - 7,5

**Истиқлол йилларида Фарғона водийсини азим пойтахтимиз билан боғловчи “Тошкент — Ўш” халқаро автомобиль йўлининг барпо этилиши транспорт эгалари ва йўловчилар учун беқиёс имкониятлар эшигини очди. Тоғлар орасида мураккаб шароитда замонавий муҳандислик ечимлари асосида барпо этилган бу иншоот ўз маҳобати билан Ватанимиз куч-қудрати, халқимизнинг азму шижоатидан сўзлаётгандек, гўё.**

# ИСТИҚЛОЛНИНГ НУРАФШОН ЙЎЛЛАРИ

— Бундан ўн бир йил аввал, Юртбошимизнинг ташаббуси ва раҳнамолигида истиқлолнинг тўққиз йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган довон йўли водий аҳли азалий орзу-умидларининг рўёби бўлди, — дейди “Қамчиқ автойўл” ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш корхонаси директорининг ўринбосари Муҳаммаджон Шералиев. — Ўша пайтда амалга оширилган катта бунёдкорлик ишлари эндиликда йўлсозлик соҳасидаги ютуқларимиз ва салоҳиятимиздан далолат бериб турибди. Юртимизнинг ноёб бойлигига айланган бу нодир иншоотни асраб-авайлаш ҳамда такомиллаштиришга ҳукуматимиз томонидан доимий равишда эътибор қаратиб келинаётир. Натижада довон йўли халқаро андозалар даражасига етказилди. Ана шу улкан трассанинг Наманган вилояти ҳудудидан ўтган 98 километрлик қисмига бизнинг жамоамиз хизмат кўрсатади. Зиммамизга юклатилган юмушларни сидқидилдан бажариб, қатнов мунтазамлиги, транспорт ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлашга эришмоқдамиз.

Дарҳақиқат, йўллар созлиги, қатнов изчиллиги, транспорт ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш йўлсозлар зиммасидаги асосий юмушлардан ҳисобланади. Беш юз нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар ва 75 та замонавий машина-механизмга эга корхона жамоаси ўз имкониятларидан самарали фойдаланмоқда. Техника саройи замонавий йўлсозлик механизмлари билан доимий равишда тўлдириб борилаяпти. Бу ердаги қудратли ағдарма машиналар, автогрейдер ва йўл текислаш техникалари қаторига жорий йилда 4 та “Supra — 4001” русумли қор тозалаш техникаси ҳам қўшилди. Германияда ишлаб чиқарилган мазкур машиналар қиш мавсумида кунда-кунора қор билан қопланадиган довон йўлини тезкорлик билан тозалаб, қатнов мунтазамлигини таъминлаш имконини бермоқда.

*— Қамчиқда қурилиш ишлари бир зум бўлса-да тўхтамайди, — сўзида давом этади М. Шералиев. — Масалан, ўтган йили 13 километр узунликдаги захира йўлни қуриб, фойдаланишга топширгандик. Эндиликда трассага навбати билан замонавий цемент бетон қопламлари ётқизишни жадал олиб бораяпмиз. Жорий йилнинг ўзида бир қатор йўлсозлик корхоналари томонидан 65 километр масофага шундай қопламалар ётқизиш режалаштирилган. Умуман олганда, 2014 йил охирига бориб, довон йўли тўлалигича шундай қопламалар билан жиҳозланади. Корхонамиз жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 8,2 миллиард сўмлик реконструкция ва тўла таъмирлаш юмушларини амалга оширди.*

Қамчиқ довонидаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари тоғли ҳудуд манзарасини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Кейинги пайтларда бу ерда бунёд этилган ижтимоий инфратузилма иншоотлари билан бир қаторда, йўлсозлик ва маиший хизмат, савдо шохобчаларининг ишга туширилиши тоғликлар ҳамда йўловчиларга кечаю кундуз хизмат кўрсатиш имкониятини яратди. Йўл ёқасидаги Четсув, Эртош, Булоқ, Резак қишлоқларида шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари фойдаланишга топширилди. Автомобилларга газ қуйишга ихтисослаштирилган иккита шохобча ҳам узлуксиз ишлаб турибди.

— Довон йўли — равон йўл, ундан юрсангиз, роҳат қиласиз, — дейди “Нексия” машинасини йўл четида тўхтатиб, чойхонада тамадди қилаётган наманганлик хусусий тадбиркор Абдулҳаким Шерматов. — Эрталаб Наманганда машинага ўтирган киши тушга қолмай пойтахтга етиб боради. Эсимда, бир пайтлар Тошкентга бориш учун камида икки кун вақт сарфлардик. Энди пойтахт бир қадам бўлиб қолди. Тоғнинг мусаффо ҳавосидан баҳра олиб, табиатнинг ажиб манзараларидан дилингиз яйрашини айтмайсизми?



Чиндан ҳам, табиатнинг бетакрор фусункорлиги билан уйғунлашиб кетган Қамчиқ довон йўли мамлакатимизда инсон ва унинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотларнинг амалдаги самараси сифатида эл-юртимизга беминнат хизмат қилмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

***Индонезияда вертолёт ҳалокатга учради, дея хабар беради AFP ахборот агентлиги.***

## Тафсилотлари номаълум

Мамлакатнинг Шимолий Сулавеси музофотида юз берган нохуш воқеа оқибатида тўққиз киши ҳаётдан кўз юмган. Манбага кўра, Манадо музофотида осмонга кўтарилган ҳаво транспорт воситаси билан орадан бир неча дақиқа ўтиб алоқа узилиб қолган. Кейинчалик эса унинг ҳалокатга йўлиққани аниқланган. Билдирилишича, ушбу вертолёт Австралиянинг “Newcrest” компаниясига тегишли бўлган. Унинг бортида компаниянинг саккиз нафар ходими ҳамда икки нафар экипаж аъзоси бўлган. Улардан бир нафари тирик қолган. Фалокат сабаблари маълум эмас.

## Компания товон пули тўлайди

***Нефть ва газ соҳасида фаолият олиб борувчи “Royal Dutch Shell” компанияси Нигерия ерларига етказилган зарар учун товон пули тўлашга рози бўлган.***

“Financial Times” нашрининг ёзишича, мамлакат жанубидаги Дельта штатида катта миқдордаги “қора олтин” тўкилиб кетган. Табиийки, бу маҳаллий аҳоли норозилигига сабаб бўлди. Шу боис улар етказилган зарарни қоплаш мақсадида судга мурожаат қилишган. Маҳкама аҳолининг талабини қондириб, компания 410 миллион АҚШ долларидан кўпроқ миқдорда товон пули тўлаши тўғрисида қарор қабул қилган.

## Текширув давом этмоқда

***АҚШнинг Нью-Йорк шаҳри яқинида сайёҳларни олиб кетаётган автобус ҳалокатга учради.***

“Associated Press” ахборот агентлиги хабарига кўра, фалокатга йўлиққан автобусда 40 нафар йўловчи бўлган. Уларнинг барчасига турли даражада тан жароҳати етган. Тўрт кишининг аҳволи оғир эканлиги айтилмоқда. Қурбонлар ҳақида маълумот йўқ. Шунингдек, фалокат сабаби ҳам аниқ эмас. Воқеа юзасидан текширув ишлари олиб борилмоқда.

## Узоқ умр кўриш гарови

***“Daily Mail” нашрининг ёзишича, голландиялик бир гуруҳ олимлар инсон умрини 15 йилга узайтириш мумкинлигини аниқлашган.***

Бунинг учун эса Ўрта Ер денгизининг парҳез маҳсулотларидан истеъмол қилиш талаб этиларкан. Шунингдек, улар мунтазам жисмоний машғулотлар билан шуғулланиш, чекмаслик ва вазн ошиб кетишига йўл қўймаслик ҳам узоқ умр кўриш гарови бўлишини билдиришган. Маастрихт университети олимлари 10 йил давомида 120 минг нафар 55-69 ёшгача бўлган инсонларнинг кундалик турмуш тарзини кузатиш асносида шундай хулосага келганлар.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, Ўрта Ер денгизи парҳез таомлари қаторига сабзавотлар, зайтун ёғи, мева ва ёнғоқ, балиқ ҳамда буғдой нони каби табиий маҳсулотлар киритилган.

## Олтин нархи кўтарилаяпти

***Дунё хом ашё биржаларида олтин нархи рекорд даражага етди.***

Хусусан, Нью-Йорк биржасида ўтказилган савдо чоғида мазкур қимматбаҳо металлнинг бир унцияси қиймати 1675,5 АҚШ долларига етган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, олтин нархи бу қадар қимматлашиб бораётганига дунёдаги бир қатор давлатлар иқтисодиётида ўсиш кузатила бошлагани сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, Мексика, Жанубий Корея ва Таиланд каби мамлакатлар марказий банклари сўнгги кунларда катта миқдорда мазкур қимматбаҳо металлдан сотиб олгани ҳам унинг баҳоси кўтарилишига олиб келган бўлиши мумкин.

Шунингдек, экспертлар бу олтин нархининг ўсиши бўйича сўнгги кўрсаткич бўлмаслигини билдиришган. Тахмин қилинишича, яқин ойлар ичида унинг бир унцияси 1700 АҚШ долларига кўтарилиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# САЛОМАТЛИК, МУҲОФАЗА, НАЗОРАТ

Соғлом она — соғлом бола

***Пойтахтимизда чақалоқларни она сути билан озиқлантириш жаҳон ҳафталиги муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда халқаро экспертлар, ихтисослаштирилган тиббий марказларнинг олим ва шифокорлари, чақалоқларни она сути билан озиқлантириш миллий дастури бўйича фаолият кўрсатаётган мутахассислар қатнашди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлиги муҳофазасини таъминлаш борасида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар натижасида сўнгги йилларда оналар ва болалар ўлими билан боғлиқ нохуш ҳолатлар сезиларли даражада камаяётгани кузатилмоқда. Хусусан, жойларда “Соғлом она — соғлом бола” шиори остида мунтазам ташкил этилаётган тадбирлар ҳамда саломатлик ҳафталикларида маънан ва жисмонан баркамол авлодни шакллантиришга қаратилган қатор муҳим вазифалар бажарилаётир.

— Янги туғилган болаларнинг меъда-ичак фаолияти ташқи муҳитга мослашиши учун муайян вақт ва алоҳида эътибор зарур, — дейди Боёвут туманидаги “Бунёдкор” ҚВП мудири Назия Аблязова. — Чақалоқнинг ҳазм қилиш аъзолари фаолиятини яхшилашда эса она сутига тенг келадиган неъмат йўқ. Энг муҳими, биологик озиқлантирилган болаларда турли юқумли хасталикларга чалиниш хавфи камаяди, бола соғлом ва дуркун бўлиб ўсади. Бизнинг тиббий муассасамизда ҳам ёш оналарга ушбу ҳаётий ҳақиқатни кенг тушунтириш борасида амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бу борада амалга оширилган ишлар туфайли ўтган йили муассасамиз “Болага дўстона муносабатда бўлган шифо маскани” сифатида халқаро доирада тан олинди.

Дарҳақиқат, юртимизда оналар ва болалар саломатлигини асрашга қаратилган хайрли ташаббус ва лойиҳалар изчиллик билан амалга оширилаётгани бугун жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда. Хусусан, жорий йилда ҳам мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган 70 дан зиёд тиббий муассасалар ЮНИСЕФнинг энг нуфузли махсус сертификатига эга бўлдилар.

Матбуот анжуманида шу сингари ижобий кўрсаткичлар алоҳида қайд этилиб, долзарб масалалар юзасидан ҳам таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• Реклама •

MIKROKREDITBANK

***“Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки Марказий Осиё ва Европанинг энг яхши ўнта микромолиялаш банклари қаторида эътироф этилди.***




# «МИКРОКРЕДИТБАНК»НИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизимининг фаолияти энг барқарор бўлиб, халқаро андозаларга тўла жавоб беради. Табиийки, бунда тижорат банкларининг капиталлашувини ошириш, уларни молиявий институт сифатида шакллантириш йўлида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, айниқса, қонунчилик базаси мустаҳкамланиб бораётгани муҳим омил бўлмоқда. Натижада кўплаб банклар халқаро рейтинг агентликларининг юқори баҳосига сазовор бўлишаётир. Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори, айтиш мумкинки, молия-банк тизими ривожида янги саҳифа очилишига мустаҳкам замин яратди. Мазкур ҳужжат ижросини изчил таъминлаётган “Микрокредитбанк”нинг фаолияти халқаро миқёсда эътироф этилгани бунинг яққол далилидир.

— Эътиборли томони шундаки, ушбу қувончли воқеа Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида юз берди, — дейди “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банкининг инвестициявий фаолиятни ва ташқи иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштириш департаменти директори Фарҳод Азизов. — Албатта, бу 5 йилдан буён муваффақиятли натижаларга эришаётган жамоамиз меҳнатига берилган муносиб баҳодир.

Таъкидлаш жоизки, “Микрокредитбанк” Бостон (АҚШ)да чоп этиладиган ва дунё бўйлаб микромолиялаш янгиликларини ёритадиган машҳур “Микрокапитал бозори шарҳи” журналининг июль ойидаги сонида ҳам ана шундай юксак эътирофга лойиқ кўрилган эди. Унда эълон қилинган рейтингга кўра, Марказий Осиё ва Европанинг 151 микрокредит муассасаси орасида “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки энг яхши ўнта микромолиялаш банкларидан бири сифатида тан олинди.



Бугунги кунда “Микрокредитбанк”нинг асосий фаолияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бошқача айтганда, унинг сармоялари қишлоқ жойларда янги корхоналар ташкил этишда бошланғич капитални шакллантириш, айланма маблағларни тўлдириш, фермер ва деҳқон хўжаликларига минитехнологиялар сотиб олиш каби эзгу ишларга йўналтирилаяпти.

Банк мамлакатимиз молия бозоридаги беш йиллик фаолияти мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қарийб 431 млрд. сўм миқдорида микромолиявий хизматлар кўрсатди. Унинг 312 миллиард сўми микрокредитлар, қолган 119 миллиард сўми микролизинг хизматлари эканлиги эътиборга моликдир. Яна бир муҳим жиҳати, бу сармоялар эвазига 400 мингга яқин иш ўринлари яратилди.



Жорий йилда “Микрокредитбанк” ОАТБ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратишни кенгайтириш дастурини ишлаб чиқди. Бунда кредит ажратиладиган фаолият турлари, бунинг натижасида ташкил этиладиган янги иш ўринларининг прогноз параметрлари эътиборга олинди. Унга кўра, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида “Микрокредитбанк” қиймати 156 миллиард сўмлик турли микромолиялаш хизматларини кўрсатишни режалаштирмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида шу мақсадлар учун 88,2 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

— Бугунги кунда халқаро молия ташкилотлари мутахассислари “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан аҳолига кўрсатилаётган микромолиялаш хизматларининг ижтимоий аҳамиятини, маблағларнинг жойларга, хусусан, олис қишлоқ ва маҳаллаларга қай даражада кириб бораётганига алоҳида эътибор қаратмоқда, – дейди Фарҳод Азизов. – Шу мезонда тадқиқотлар олиб борган қатор рейтинг ташкилотлари банкимиз фаолиятига юқори баҳо берди. Айтиш жоизки, бунга Президентимиз Ислом Каримов томонидан мамлакатимиз молия-банк тизимининг мунтазам қўллаб-қувватланаётгани туфайли эришилаяпти.

Масалан, Жаҳон банкининг микрокредит банкларини баҳолаш бўйича SGAP гуруҳи томонидан сертификатланган “MicroFinanza Rating” (Италия) рейтинг компанияси “Микрокредитбанк”ка “Амалда ўз мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш ва зиммасига юклатилган ижтимоий вазифаларни самарали бажариш борасида етарли қобилиятга эга, ўз ижтимоий мақсадларига эришиш эҳтимоли юқори бўлган банк” деган ижтимоий рейтингни берди.

“Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги эса 2010 йил якунлари бўйича “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банкининг хорижий валютадаги узоқ муддатли дефолт эмитенти рейтингини “В-” даражасидан “В” даражасига кўтарди ва “Барқарор” дея баҳолади.

Шу билан бирга, “Miks-market” глобал микромолия ахборот платформаси (АҚШ) томонидан 2010 йил якунлари бўйича “Микрокредитбанк” беш олмосли микромолиялаш хизматларини кўрсатувчи банк деб топилди. Бундай юқори натижаларга эришишда банкнинг етакчи ўринларни эгаллаб тургани ва баланс кўрсаткичлари, қарз олувчилар ҳамда халқаро молия институтлари учун очиқлиги, шунингдек, менежмент тизими, инновацияларнинг жорий этилиши, ходимларнинг профессионал даражаси, кўрсатиладиган хизматлар сифати ҳамда сони асосий мезон сифатида эътиборга олинди.

Нуфузли халқаро компаниялар томонидан берилган рейтинг баҳолари “Микрокредитбанк”ка Жаҳон банки, БМТнинг Тараққиёт дастури, Германиянинг Молиявий гуруҳи, Халқаро Тараққиёт ассоциацияси ва бошқа етакчи халқаро молиявий институтларнинг кредит линияларини мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиш имконини берди.

“Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки фаолиятининг дунё миқёсида тан олиниши унинг ликвидлиги ва барқарорлиги, Ўзбекистон банк тизимига ишонч ортиб бораётганининг яна бир тасдиғидир.

**«Микрокредитбанк» матбуот хизмати.**






Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита жамоаси қўмита масъул ходими Муқимжон Қодировга отаси

**Ниёзмуҳаммад ҚОДИРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти Ҳакимали Азимовга отаси

**Имом АЗИМОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ОМИХТА ЕМ 275,0 ▼ -69,9 | ШРОТ 260,8 ▼ - 4,6 | ШЕЛУХА 100,6 ▼ -1,7 | ПОЛИЭТИЛЕН В-У 460 5036,1 ▼ -72,8 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 4920,1 ▲ +165,6 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 4688,4 ▼ -69,1 | МАЗУТ 351,6 ▲ +10,5 | СУЮЛТ.ГАЗ 1420,4 ▲ +156,9 | КЎМИР(бпк) 78,6 ▲ +2,1 | |

